ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ДЕҲҚОНОБОД ТУМАН КЕНГАШИ
ҚАРОРИ

2019 йил «17» декабрь V-42-1 - сон

2020 йил учун Деҳқонобод тумани маҳаллий бюджетини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) 18-моддасига асосан 2020 йил учун Деҳқонобод туманининг маҳаллий бюджетини қабул қилиш бўйича халқ депутатлари Деҳқонобод туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг 2019 йил 16 декабрдаги 194/45-5-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қонунга асосан 2020 йилда:

а) қуйидаги солиқ турлари туман бюджетига тўлиқлигича ўтказиб берилади:

– жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

– жисмоний шахсларнинг мулкларни ижарага беришидан олинадиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғи;

– қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, бундан цемент хом ашёси ва цемент ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош мустасно;

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқдан мустасно.

б) қуйидаги солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар вилоятнинг вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

– юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

– юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

– якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишдан акциз солиғи;

– айрим товарларни чакана савдосидан бериладиган ҳуқуқ учун йиғимлар;

– қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона йиғимларидан ташқари);

– автотранспорт воситаларини харид қилганлик учун уларни ички ишлар органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида автотранспорт эгалари (фойдаланувчилари) томонидан тўланадиган йиғимлар.

в) мобиль алоқа хизматлари учун акциз солиғи ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг республика аҳолисидаги улушига мувофиқ ўтказиб берилади.

3. Қонунга 21-моддасига асосан, Деҳқонобод туман маҳаллий бюджетининг харажатлар тизимида қуйидаги ўзгартиришлар киритилди ҳамда молиялаштириш тартиби қуйидагича белгиланди:

а) туман бюджетидан молиялаштирилувчи умумтаълим мактаблари ҳамда мактабгача таълим муассасаларининг биринчи гуруҳ (иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар) ва иккинчи гуруҳ (иш ҳақига ажратма) харажатлари республика бюджетидан, тўртинчи гуруҳ (бошқа) харажатлари тегишлилиги бўйича туман бюджетидан молиялаштирилади;

б) туман бюджетидан:

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланадиган ижтимоий нафақаларни тўлаш харажатлари;

– давлат санитария-эпидемиология назорати туман марказини сақлаш харажатлари молиялаштирилади.

4. 2020 йилги туманнинг ялпи ҳудудий маҳсулот бўйича прогноз кўрсаткичлари 1-иловага ҳамда 2020 йил учун туманнинг туман бюджети даромадлар прогноз кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

5. Туманнинг туман бюджетидан 2020 йилги ҳудудий бюджет

маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Туман бюджетига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, ажратма меъёрлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят бўйича газначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. 2020 йил учун туманнинг бюджет даромадлар ва харажатлари прогноз кўрсаткичлари 5-иловага мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.

8. Туман бюджетига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдори 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман бюджет даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

9. 2020 йил учун туманнинг туман бюджети заҳира жамғармаси ҳажмлари 1 498 671 минг. сўм миқдорида белгилансин.

Туман бюджетининг 2020 йил учун заҳира жамғармаси туман бюджет умумий харажатларининг 1,5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда шакллантирилади.

Туман бюджетининг 2020 йил учун заҳира жамғармаси миқдори 7-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Туман ҳокимлиги заҳира жамғармаси маблағларини туман бюджетида кўзда тутилмаган, кечиктириб бўлмайдиган харажатларни, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий беқарорлик юзага келган вазиятларда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирларни молиялаштириш учун йўналтирилишини таъминласин.

10. Туманнинг туман бюджетида шаклланган қўшимча манбалар туман Халқ депутутлари Кенгашлари томонидан туман ҳокимлиги таклифига асосан, туман Кенгаш қарорларига асосан ишлатилиши белгилансин.

Бунда, биринчи навбатда ижтимоий соҳа муассасаларнинг моддий-техникасини мустаҳкамлаш, кейинги навбатда уларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва туманга ташрифи давомида берилган топшириқлари ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган йиғилиш баёнларида кўзда тутилган тадбирларга, ҳудудлардаги ичимлик суви таъминотини яхшилаш, аҳоли пунктларининг кўчаларини таъмирлашга йўналтирилиши белгилаб

қўйилсин.

11. Туман ҳокимлиги, чораклар якуни бўйича мазкур қарорнинг 5-иловасида келтирилган даромадларнинг прогноз кўрсаткичлари ҳокимликнинг фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда 5 фоиздан ортиқ миқдорга бажарилмаса ва молия йили охиригача ушбу маблағларнинг тушиш эҳтимоли бўлмаса, вилоят ҳокимиятига харажатларни мақбуллаштириш юзасидан кўрилган чоралар билан биргаликда тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини ошириш юзасидан мурожаат қилади.

12. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан амалга ошириладиган тадбирлар учун талаб этиладиган маблағлар туман маҳаллий бюджетининг ижроси давомида шаклланган қўшимча манба ҳисобидан амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилсин.

13. Тумандаги бюджет маблағлари тақсимловчилари:

ажратилган маблағларни биринчи навбатда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантирсин;

ҳар чорак якуни билан кейинги чорак биринчи ойининг 25-санасига қадар расмий веб-сайтларга ўз тасарруфидаги бюджет ташкилотлари кесимида маблағлар тақсимотини, молиявий ҳисоботларни, ўтказилган танлов (тендер) савдолари ва давлат харидлари ҳамда бошқа тегишли маълумотларни жойлаштирсин.

14. Туман ҳокимлиги туман бюджетининг қўшимча манбаларнинг камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилишини, веб-сайтларига уларнинг натижаларини жойлаштирилишини таъминласин.

15. Вазирлик, давлат қўмиталари ва идораларининг, шунингдек, вилоят ташкилот ва идораларининг ишчи гуруҳлари томонидан туманда ўтказилган ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тузилган йўл хариталари, йиғилиш баённларига асосан маҳаллий бюджетнинг харажатларига ўзгартириш киритилишига йўл қўйилмайди.

16. Туман ҳокимлиги Қонуннинг 24-моддасига асосан тегишли равишда бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини туман Кенгашига киритилишини таъминласин.

17. Деҳқонобод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати Қонунда белгиланган айрим солиқлар ва тўлов ставкалари, солиқ солиш тартиблари ҳамда бошқа маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ёритилишини

таъминласин.

18. Мазкур қарор бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси ва туман ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари зиммасига юклатилсин.

19. Халқ депутатлари Деҳқонобод туман Кенгашининг 2018 йил 27 декабрдаги V-30-1-сонли қарори 2020 йил 1 январдан ўз кучини йўқотган деб топилсин.

20. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Сессия раиси **З.Аликулов**

Халқ депутатлари
Деҳқонобод тумани Кенгашининг
2019 йил «12» XII даги
V-42-1-сонли қарорига
1-илова

Деҳқонобод туманининг 2020 йилга ривожлантиришнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари прогноз кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2020 йил учун прогноз
1	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	103,8
2	Қурилиш ишлари ўсиш суръати, фоизда	102,5
3	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	106,8
4	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	102,9
5	Хизмат кўрсатиш сохаси ўсиш суръати, фоизда	104,3
6	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	102,3

Халқ депутатлари
Деҳқонобод тумани Кенгашининг
2019 йил «12» декабрдаги
V-42-1-сонли қарорига
2-илова

Деҳқонобод тумани маҳаллий бюджетининг даромадларининг 2020 йилдаги асосий прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
	ЖАМИ	**88 171 322,0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиги	0,0
2	Ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига ажратмалар	3 446 207,0
3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	47 740 249,0
4	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (ИТД)	390 148,0
5	Қўшилган қиймат солиғи	0,0
6	Акциз солиғи, жами	11 067 838,0
	шу жумладан:	
	- бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	*11 067 838,0*
7	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	0,0
8	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	3 117 710,0
9	Юридик шахслар ер солиғи	3 463 424,0
10	Жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи	2 714 924,0
11	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ (норуда материаллари)	2 410 784,0
12	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	427 256,0
13	Давлат божи	0,0
14	Жарималар	0,0
15	Ижара тўлови	50 000,0
16	Давлат ташкилотларининг соф фойдасидан даромад	0,0
17	Алкоголга акциз солиғи (шу жумладан пиво)	7 446 000,0
18	Мобил алоқага акциз солиғи	4 153 000,0
19	Йигимлар	1 743 782,0

Халқ депутатлари
Деҳқонобод тумани Кенгашининг
2019 йил «___» _____ даги
_____-сонли қарорига
3-илова

2020 йил учун Деҳқонобод тумани бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган парламент ажратмаларининг чекланган миқдорлари

минг сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	Харажатлар миқдори, Жами	**101 410 070,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**64 456 579,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**0,0**
	Индексация маблағлари	**3 627 795,0**
	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	**31 827 025,0**
	Захира жамғармаси	**1 498 671,0**
1.	**Халқ таълими бўлими**	**4 689 434,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 689 434,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
2.	**Мактабгача таълим бўлими**	**2 447 878,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 447 878,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
3.	**5-сонли мусиқа ва санъат мактаби**	**936 493,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	936 493,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
4.	**Соғлиқни сақлаш муассасалари**	**35 987 061,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	35 987 061,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
5.	**Маданият бўлими ва мусика мактаби**	**796 194,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	796 194,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
6.	**Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби**	**426 874,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	426 874,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
7.	**Ободонлаштириш бошқармаси**	**9 940 698,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	9 940 698,0

№	Кўрсаткичлар	миқдори
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
8.	**Ирригация бўлими**	**548 167,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	548 167,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
9.	**Фермер хўжаликларида марказлашган бухгалтерия хисоби ва ҳисоботини юритиш маркази**	**722 943,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	722 943,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
10.	**Ветеринария бўлими**	**889 890,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	889 890,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
11.	**Молия бўлими**	**35 454 820,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
	Индексация маблағлари	3 627 795,0
	Болали оилаларга ва кам таъминланган оилаларга нафақалар ва компенсациялар	31 827 025,0
12.	**Давлат ҳокимият органлари**	**4 946 143,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 447 472,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
	Захира жамғармаси	1 498 671,0
13.	**Ижтимоий мослашув маркази**	**54 423,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	54 423,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0
14.	**Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари**	**3 569 052,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 569 052,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	0,0

Халқ депутатлари
Деҳқонобод тумани Кенгашининг
2019 йил «17» XII даги
V-427-сонли қарорига
4-илова

Умумдавлат солиқларидан Деҳқонобод туман маҳаллий бюджетига ажратмалар меъёри

Фоиз хисобида

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Ягона солиқ тўлови	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	Акциз солиги: - бензин, дизел ёқилғиси ва газ реализациясидан солиқ	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	Норуда қурилиш материаллари учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	Юридик шахслар ер солиғи	Йиғимлар	Ижара тўлови
1	Деҳқонобод тумани	0	100	100	100	100	0	100	100	100	100

Халқ депутатлари
Деҳқонобод тумани Кенгашининг
2019 йил «12» XII даги
V-424-сонли қарорига
5-илова

Деҳқонобод туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил даромадлари ва харажатлариинг чегаравий ҳажми

(минг сўм)

Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
ЖАМИ	**88 171 322,0**	**101 410 070,0**
Деҳқонобод тумани	88 171 322,0	101 410 070,0

Халқ депутатлари
Деҳқонобод тумани Кенгашининг
2019 йил «17» декабрдаги
V-42-1-сонли қарорига
6-илова

Деҳқонобод туман маҳаллий бюджетининг 2020 йилги юқори бюджетдан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Шаҳар ва туманлар	Тартибга солувчи трансферт миқдори
ЖАМИ	**13 238 748,0**
шундан	
Деҳқонобод тумани	13 238 748,0

Халқ депутатлари
Деҳқонобод тумани Кенгашининг
2019 йил «14» XII даги
V-481-сонли қарорига
7-илова

Деҳқонобод туман маҳаллий бюджетининг 2020 йил учун заҳира жамғармаларининг миқдорлари

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
	ЖАМИ	**1 498 671,0**
	шундан	
1	Деҳқонобод тумани	1 498 671,0